



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
АДМИНИСТРАЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МЕДИА АССОЦИАЦИЯСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИНИНГ**

**ҚЎШМА ҚАРОРИ**

**Олий таълим муассасаларида журналистика бўйича профессор-ўқитувчиларнинг муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлари ҳамда йирик таҳлилий мақолаларини илмий мақолага тенглаштиришнинг минимал талаблари ва мезонларини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-294-сон қарори билан тасдиқланган “2022-2023 йилларда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда журналистика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури”нинг 17-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2022 йил 10 июлда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-294-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг 35-бандида келтирилган олий таълим муассасаларида журналистика йўналиши бўйича таълим берадиган профессор-ўқитувчиларнинг муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлари ҳамда йирик таҳлилий мақолаларини уларни моддий рағбатлантириш нуктаи назаридан илмий мақолага тенглаштириш бўйича муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлар ҳамда йирик таҳлилий мақолаларга қўйиладиган энг кам талаблар ҳамда тегишли мезонларни белгилаш топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси **қарор қилади:**

1. Олий таълим муассасаларида журналистика бўйича профессор-ўқитувчиларнинг муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлари ҳамда йирик таҳлилий мақолаларини илмий мақолага тенглаштиришнинг минимал талаблари ва мезонлари тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қўшма қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

А. Тошқулов

Тошкент ш.,  
2022 йил «17» октябрь,  
41-к/к-сон

Ахборот ва оммавий коммуникациялар  
агентлиги директори

А. Ходжаев

Тошкент ш.,  
2022 йил «17» октябрь,  
к/к-2-сон

Инновацион ривожланиш вазири

И. Абдурахмонов

Тошкент ш.,  
2022 йил «18» октябрь,  
9-қ/қ-сон

Ўзбекистон Миллий медиа  
ассоциацияси бошқарув раиси

Ш. Қудратхўжа

Тошкент ш.,  
2022 йил «18» октябрь,  
99-01/қ-сон

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси  
раиси

О. Ўсаров

Тошкент ш.,  
2022 йил «19» октябрь,  
01-18/б/4-сон

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги  
Бош директори

А. Кўчимов

Тошкент ш.,  
2022 йил «19» октябрь,  
144-қ-сон

Ўзбекистон Миллий  
телерадиокомпанияси раиси

А. Ходжаев

Тошкент ш.,  
2022 йил «17» октябрь,  
к/к-3-сон

**Олий таълим муассасаларида журналистика бўйича  
профессор-ўқитувчиларнинг муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлари  
ҳамда йирик таҳлилий мақолаларини илмий мақолага  
тенглаштиришнинг минимал талаблари ва мезонлари тўғрисида  
НИЗОМ**

**1. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-294-сон қарори билан тасдиқланган “2022-2023 йилларда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда журналистика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури”нинг 17-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2022 йил 10 июлда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-294-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг 35-бандида келтирилган олий таълим муассасаларида журналистика йўналиши бўйича таълим берадиган профессор-ўқитувчиларнинг муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлари ҳамда йирик таҳлилий мақолалари уларни моддий рағбатлантириш нуқтаи назаридан илмий мақолага тенглаштириш топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом давлат олий таълим муассасаларида журналистика бўйича профессор-ўқитувчиларнинг муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлари ҳамда йирик таҳлилий мақолаларини уларни моддий рағбатлантириш нуқтаи назаридан илмий мақолага тенглаштиришнинг минимал талаблари ва мезонларини белгилайди.

1.3. Мазкур Низомда қўлланилган атама ва таърифлар:

**муаллиф** –ижодий меҳнати билан асар яратган жисмоний шахс;

**муаллифлик дастури (эшиттириш, кўрсатув)** – ижодкор (журналист) томонидан тўлиқ тайёрланган дастур (унда ғояси, сценарий матни, дастур ичидаги интервьюлар, бадиий безаклар, тасвирлар ва ҳ.).

**таҳлилий мақола** – публицистик жанр бўлиб, таҳлил мақолада ижтимоий ҳаёт ҳодисалари чуқур таҳлил қилиниб, назарий ва оммавий жиҳатдан умумлаштирилади, давлат сиёсати, иқтисодиёт, техника,

фан ва маданиятда эришилган ютуқлар, илғор иш тажрибалари оммалаштирилади, иқтисодиётдаги нуқсонлар танқид қилинган маълумотлар.

## **2. Олий таълим муассасаларида журналистика бўйича профессор-ўқитувчиларнинг муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлари ҳамда йирик таҳлилий мақолаларига қўйиладиган минимал талаблар**

### **2.1. Таҳлилий мақолаларга қўйиладиган талаблар:**

воқеа-ҳодиса моҳияти, унинг ижтимоий аҳамияти ва объектив зиддиятларини аниқлашга йўналтирилиши;

журналист ҳаётий ҳодисалар динамикаси ва ўзгарувчанлиги, айниқса, Ўзбекистон Республикасида кечаётган кенг кўламдаги ислохотлар шароитида мазкур омилларнинг долзарблиги инобатга олиниши;

илмий ёки ижтимоий таҳлилни ўз ичига қамраб олиши;

далиллар тизимли равишда қатъий илмий асосланган шаклдаги структурага эга бўлиши;

мақола жанрида тайёрланган публицистик материаллар таҳлилий илмий деб тан олиниши мумкин.

мақола, шарҳ, тақриз, суриштирув жанрлардаги (мазмунидан таҳлил белгилари бўлган) журналистик материаллар (ҳажми 5 бетдан 10 бетгача ёки газетада 0,3-1 саҳифагача бўлиши мумкин);

очерк, эссе, памфлет, фельетон каби публицистик материаллар (ҳажми 6 бетдан, журналларда 1,5 саҳифадан, газетада 0,5 саҳифадан кам бўлмаган материаллар);

илмий-оммабоп мақолалар (яъни, муайян илмий муаммони бир неча объектлар асосида солиштириш, киёслаш методлари фойдаланган ҳолда оммага тушунарли ёритиладиган материаллар).

бошқа тилларда эълон қилинган, жамият учун долзарб аҳамиятга эга ёки омма учун қизиқарли бўлган илмий-оммабоп, публицистик асарлар, журналистик материаллар.

**2.2. Матбуот, радио, телевидение ва интернет тармоғидаги журналистик чиқишлар қуйидаги ҳолатларда илмий нашрга (мақола) тенглаштирилиши мумкин:**

материал илмий ёки ижтимоий таҳлилни ўз ичига олса;

унда етарлича далиллар мавжуд бўлса, уларнинг тизимли таҳлили мавжуд бўлиб, улар қатъий илмий далиллар шаклида қурилган бўлса;

материалда баён этилган янги фикр етарлича ишончли исботланган бўлса;

материалда номувофиқликлар бўлмаса, муаллифнинг фикри тўлиқ баён қилинганда;

материалдаги фактлар кичик ёки аҳамиятсиз бўлмаса, муҳим ижтимоий муаммони акс эттирса. Шу билан бирга, ишонттиришнинг (далилларнинг) аудио ва видео таъсир каби турлари мантикий таҳлилдан устун бўлмаслиги керак;

журналистик материалда янги ижтимоий муаммо аниқ белгилаб қўйилган бўлса;

материал схема бўйича қурилган бўлса: *муаммо-муҳим ва ҳақиқий далиллар-тўлиқ таҳлил-хулосалар-тавсиялар.*

2.3. Муаллифлик дастурларининг (эшиттириш, кўрсатув) асосий мезонлари:

Муаллифлик дастур (эшиттириш, кўрсатув)ларида:

муаллиф фикрида номувофиқларга йўл қўйилмасдан тўлиқ баён қилиниши;

муҳим ижтимоий муаммони акс эттириши;

баён этилган фикр етарлича ишончли асосланган бўлиши.

2.4. Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайди:

расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар, тўхтамлар ва шу кабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари;

расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва шу кабилар);

халқ ижодиёти асарлари;

оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ёки жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар;

инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти амалга оширилмасдан, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар.

### **3. Олий таълим муассасаларида журналистика бўйича профессор-ўқитувчиларни илмий мақолага тенглаштирилган муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлари ҳамда йирик таҳлилий мақолалари бўйича моддий рағбатлантириш**

3.1. Олий таълим муассасаларида журналистика бўйича профессор-ўқитувчиларнинг илмий мақолага тенглаштирилган муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлари ҳамда йирик таҳлилий мақолалари бўйича уларни моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги 1030-сонли қарорида белгиланган мезонларга мос равишда тенглаштирилади.

#### **4. Яқуний қоидалар**

4.1. Мазкур Низом талаблари давлат олий таълим муассасаларида журналистика бўйича таълим берадиган барча профессор-ўқитувчилар учун амал қилади.

4.2. Мазкур Низомни бекор қилиш ёки ўзгартириш киритиш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.